

**САВДО-ТЕРМИНАЛ УСКУНАЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ БЎЙИЧА****-сонли
ШАРТНОМА**

_____ ш. “___” _____ 202__ й.

Банк: “Ориент Финанс” ХАТБ номидан _____-сонли ишончнома асосида фаолият юритувчи _____ Амалиёт бошқармаси/ БХМ / БХО Бошлиғи / Бошқарувчиси бир томондан, ва

Корхона: _____ номидан _____ асосида фаолият юритувчи _____, иккинчи томондан, мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

- 1.1.** Ушбу шартнома тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда уларни қўллаш тартиби тўғрисидаги Низом (2009 йил 27 июлда Адлия вазирлигида №1986 сон билан рўйхатга олинган) ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорликни амалга ошириш учун Банк мижозларига ва Корхонага қўшма хизматлар кўрсатиш учун тузилган, бунинг учун Банк Корхонага қуйидаги кўрсатилган шартлар билан тўлов Терминалини (бундан буён матнда ускуналар деб номланади) рўйхатдан ўтказиб беради ва Корхона ўз навбатида Ускуналарни рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этади ҳамда терминалдан фойдаланиш йўриқномасига, ушбу шартноманинг шартларига амал қилади ва тарифга мувофиқ Банк хизматиларини тўлайди.
- 1.2.** Ушбу шартнома, савдо терминалини рўйхатдан ўтказиш, Корхонанинг савдо нуқталари (хизмат кўрсатиш, ишларни бажариш) орқали пластик карталар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш бўйича Банк ва Корхона ўртасидаги муносабатларни тартибга солади.

2. ТАЪРИФЛАР

Шартнома - ушбу Шартнома, унга иловалар ва қўшимчалар ва ҳар қандай ёзма кўрсатмалар, таомиллар ва билдиришномалар;

Карта - банкнинг ёки карталар билан ўзаро хизмат кўрсатиш учун банк билан тегишли шартномаларга эга бўлган бошқа тижорат банки томонидан чиқарилган амалдаги банк картаси (шу жумладан корпоратив);

Карта эгаси - Пластик картани тўлов воситаси сифатида тақдим этувчи шахс, унинг Картага эгалик ҳуқуқи Шартнома бўйича Корхона учун Банк томонидан ўрнатилган таомиллар билан белгиланиши мумкин;

СХКК (савдо ва хизмат кўрсатиш Корхонаси) бўйича йўриқнома - Карта эгаларига хизмат кўрсатиш, Банк билан ишлаш, Карта хавфсизлигини текшириш ва Ускунадан фойдаланиш бўйича Корхона учун кўрсатмалар;

Ускуна - Карта эгаларига хизмат кўрсатиш учун Банк томонидан Корхонага тақдим этиладиган техник воситалар: тўлов терминали - Картанинг тўлов қобилиятини текширишга, Карталар тўғрисидаги маълумотларни электрон йиғишга ва уни қайта ишлаш учун банкка алоқа воситалари орқали электрон шаклда ўтказишга қодир бўлган қурилма;

Транзакция - Корхона томонидан қўрилма ва пластик карта ёрдамида амалга оширилган тўлов. Карта эгаси томонидан тўлов (транзакция) ПИН-коди билан тасдиқланади.

Тўловларни қайтариш - Корхона томонидан амалга оширилган транзакция,



Банк томонидан тасдиқланган шакл бўйича Карта эгасининг ҳисобварағи учун белгиланган шаклда қайтарилган маблағлар;

Ваучер - Қайтаришга чек - агар эгаси ушбу хизмат учун Транзакция амалга оширилган бўлса ва маҳсулот/хизматдан воз кечса, Корхона томонидан тўловни қайтариш тўғрисида тузилган хабарнома шакли;

Қоғоз нусхалари - Ҳисобот даврида амалга оширилган барча операциялар учун Ускунанинг чеклари ёки назорат лентаси нусхалари;

Транзакцияларни қайта ишлашга юбориш - Транзакцияларни Банкка қайта ишлаш учун жўнатиш бўйича Корхона томонидан амалга оширилган жараён, Транзакциялар охириги юборилганидаги вақтдан амалга оширилади.

Тариф - Корхона томонидан Банк фойдасига тўланадиган, ускуналардан фойдаланиш билан боғлиқ ва бошқа тўловлар миқдори.

ЯУПМ - БТТ(Банклараро тўлов тизими)да иштирок этувчи банклар билан шартномавий муносабатларга эга бўлган микропроцессор карталаридан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимининг иштирокчилари ўртасида ўзаро ахборот клиринг транзакцияларни амалга оширадиган "Ягона Умумреспублика Процессинг Маркази" (ЯУПМ, UZCARD).

3. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

- 3.1. Корхона, Банк томонидан рўйхатдан ўтган ускуналардан фойдаланган ҳолда, карта эгалари товар ёки хизматлар учун тўлов учун қабул қилади.
- 3.2. Банк, банк карталаридан тўловларни қабул қилиш учун ускуналарни UZCARD тизимида дастурлашни амалга оширади.
- 3.3. Корхона ҳар куни Транзакцияларни қайта ишлашга жўнатади ва назорат чекини ва Транзакциялар учун назорат квитансияси(лента)ни чиқаради (Қоғозли нусхалар).
- 3.4. Ушбу Шартнома бўйича барча ҳисоб-китоблар миллий валютада амалга оширилади. Банк, ускуналарни рўйхатга олиш учун тўловни, UZCARD пластик карталари учун тўлов терминалидан савдо айланма суммасидан олинадиган комиссия ва асбоб-ускуналар билан боғлиқ бошқа тўловларни Банк тарифига мувофиқ ундириб олади;
- 3.5. Терминал орқали тўловлар икки босқичга бўлинади:
 - Авторизацияни амалга ошириш;
 - Натижаларни таққослаш.
- 3.6. Авторизация тўлов операцияларини амалга ошириш, бекор қилиш, пулни қайтариш ёки карта ҳисобварағининг қолдиғини талаб қилишда амалга оширилади.
- 3.7. Авторизация, агар у картанинг эмитент банк томонидан тасдиқланган бўлса муваффақиятли деб ҳисобланади. Бундай ҳолда, терминалда транзакция суммаси, карта эгаси ва Корхона маълумотлари, муваффақиятли тўлов тўғрисида хабар (ТАСДИҚЛАНГАН) ва авторизация коди бўлган чекнинг 2 нусхаси чоп этилади.
- 3.8. Авторизация коди терминалда операцияни бажаришда процессинг марказида олиниши керак. Агар Код процессинг марказининг маълумотлар базасида бўлса, у процессинг марказида олинган деб ҳисобланади.

4. БАНКНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 4.1. Банк қуйидаги мажбуриятларга эга:
 - 4.1.1. Савдо ва хизмат кўрсатиш субъектларининг ўзида мавжуд бўлган тўлов терминалига дастурий таъминотни ўрнатиш юзасидан қилинган мурожаат уч банк иш куни ичида кўриб чиқилади ва уларга тегишли

дастурий таъминотлар ўрнатилади.

- 4.1.2. Корхонанинг вакилига терминалдан фойдаланиш қоидаларини ўргатиш.
- 4.1.3. Кейинги иш кундан кечиктирмай Корхонанинг ҳисобварағига терминал орқали қабул қилинган ҳамда инкассация қилинган тўлов суммасини ўтказиб бериш;
- 4.1.4. Корхонанинг ёзма мурожаатига асосан, Банкдан, карталар орқали амалга оширилган транзакциялар тўғрисида маълумотларни олиш;
- 4.1.5. Транзакцияларни қайта ишлашга юбориш амалга оширилганда Корхонани Стоп-листнинг янги версияси ва бошқа зарур маълумотлар билан таъминлаш.

5. БАНКНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

- 5.1.** Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:
 - 5.1.1. Агар Корхона ушбу Шартноманинг 7.2-банди шартларини бузганда ва 8.3-бандни такроран бузганда, шунингдек, агар Корхона бир ой ичида Карта орқали тўлов амалга оширилмаса Шартномани бир томонлама бекор қилиш;
 - 5.1.2. Агар Транзакция бўйича маблағларни Корхонага ўтказиш амалга оширилган бўлса, қуйидаги ҳолатларда Транзакциялар бўйича пул ўтказмаларини тўхтатиб туриш - Транзакция суммасидан тўловни қайтариб олиш амалга оширилади, агарда:
 - Транзакция бўйича маълумотлар нотўғри, ноўрин шаклда бажарилган бўлса;
 - Карта эгаси Транзакция билан боғлиқ даъво берган ва ушбу талаб қондирилган бўлса;
 - Корхонани ўзгартириш ёки тугатиш жараёни мавжуд бўлса. Бундай ҳолда, тўловлар юридик ворис масаласини тугатиш комиссияси ёки бошқа ваколатли органлар қарорига қадар ушлаб қолинади;
 - Корхона ушбу Шартноманинг 8.3-бандида белгиланган мажбуриятларни бажармаса.
 - Корхона “жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва тижорат банкларида терроризмни молиялаштиришга қарши курашишга доир ички назорат” Қоидалари (Адлия вазирлигида 2017 йил 23.05-куни 2886-сон билан рўйхатдан ўтказилган) талабларига риоя этмаса.
 - 5.1.3. Банкнинг расмий веб-сайтида (www.ofb.uz) маълумот жойлаштириш орқали, ушбу ўзгартиришлар киритилишидан камида 10 кун олдин Корхонани олдиндан хабардор қилиб, бир томонлама тарифларни ўзгартириш;
 - 5.1.4. Транзакциялар қайта ишлашга нотўғри юборилганда ва Ускунадан фойдаланиш қоидалари бузилган тақдирда, ҳар қандай Транзакция учун пул тўламаслик ва ушбу ҳужжатларни қайта ишлаш бўйича барча харажатларни Корхона зиммасига юклаш;
 - 5.1.5. Корхонанинг ҳисоб рақамидан, ускуналарни рўйхатдан ўтказиш учун йиғим, UZCARD пластик карталари учун тўлов терминалида савдо айланмасининг миқдоридан комиссия ва банк тарифларига мувофиқ бошқа тўловларни ечиб олиш;

6. КОРХОНА МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 6.1.** Корхона қуйидаги мажбуриятларга эга:
 - 6.1.1. ЯУПМ серверларига уланиш учун алоқа каналлари орқали тўлов



терминалини уланишини ва кейинчалик UZCARD тизимидаги банк карталарига кўрсатилган хизматлар, сотилган товарлар ва бажарилган ишлар учун тўловларни қабул қилишни таъминлаш (онлайн операциялар);

- 6.1.2. балансидаги жиҳозларни ҳисобга олиш;
- 6.1.3. Банкка, ускунанинг Корхонага тегишли эканлигини тасдиқлайдиган хат тақдим этиш;
- 6.1.4. Карта эгаларидан товарларга/хизматларга нархларни оширмасдан, товар/хизматлар учун нақд пул билан бир хил шартларда тўловларни қабул қилиш;
- 6.1.5. ҳар куни иш куни охирида онлайн операциялар натижаларини таққослаш бўйича операцияларни амалга ошириш ва тўлов тизими шартли белгиси бўлишини таъминлаши шарт;
- 6.1.6. Ўзининг ҳар бир биноларида Банк томонидан тақдим этиладиган реклама белгиларини ёки бошқа материалларни етарли даражада намойиш этиш ва Карталар Корхона томонидан тўлов воситаси сифатида қабул қилинганлигини кўрсатиш учун фақат Банк томонидан тасдиқланган номлар ёки расмлардан фойдаланиш;
- 6.1.7. Банк билан Шартнома шартлари билан боғлиқ ҳар қандай реклама материалларини ёзма равишда келишиб олиш;
- 6.1.8. терминал чекларининг иккинчи нусхаларини улар чиқарилган кундан бошлаб 1 йил ичида сақлаш ва Банкнинг биринчи талабига биноан уларни 3 банк куни ичида Банкка топшириш;
- 6.1.9. Амалга оширилган Транзакцияни тасдиқлаш учун карта эгасига квитансиянинг босилган/чиқарилган нусхасини (тўлов қайтарилганда ваучернинг биринчи нусхаси) топшириш;
- 6.1.10. Шартномага мувофиқ, хабар қилинганидан кейин 1 банк куни ичида, Банкнинг Корхонадан талаб қилишга ҳақли бўлган ҳар қандай Транзакцияси учун суммани банкка қайтариш;
- 6.1.11. Корхонанинг манзили, жиҳозларнинг жойлашуви ва банк реквизитлари билан боғлиқ барча ўзгаришлар тўғрисида дарҳол Банкни ёзма равишда хабардор қилиш;
- 6.1.12. Шартнома муддати тугагандан ёки уни муддатидан олдин бекор қилгандан сўнг, 2 кун ичида ўзаро ҳисоб-китобни амалга ошириш.
- 6.1.13. Тўлов терминали техник ёки дастурий носоз ҳолатга келиб қолганда, Корхона раҳбари бу ҳақда бир кундан кечиктирмасдан давлат солиқ хизмати органига ва хизмат кўрсатувчи банкка ёзга ёки электрон шаклда хабар бериши шарт.
- 6.1.14. Корхона ўзидаги мавжуд тўлов терминалларини бошқа субъектларга фойдаланиш учун бериши мумкин эмас.

7. КОРХОНА ҲУҚУҚЛАРИ

7.1. Корхона қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- 7.1.1. Банкдан ёзма равишда амалга оширилган операциялар бўйича ҳисоботларни талаб қилиш;
- 7.1.2. Банк ходимларидан қўшимча инструктаж ўтказиш тўғрисида ёзма равишда сўраш;

7.2. Корхона қуйидагиларга ҳақли эмас:

- 7.2.1. Тўловни қайтаришда, яъни, Карта Эгаси томонидан маҳсулот ёки хизмат рад этилганда нақд пул бериш; бу ҳолда, Корхона Қайтариш Чекини расмийлаштириши керак ва кейинчалик унинг асосида Карта эгасининг карта ҳисобварағига маблаг ўтказиши керак;



- 7.2.2. Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ назорат функциялари бўлган шахслардан ташқари бошқа шахсларга ва Корхоналарга амалга оширилган транзакциялар тўғрисидаги маълумотларни бериш;
- 7.2.3. бир хил Транзакция учун исталган шаклда маълумотларни қайта топшириш;
- 7.2.4. мустақил равишда ускуна параметрларини ва конфигурациясини ўзгартириш.

8. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 8.1. Шартнома предмети билан боғлиқ Банкка зарар етказилган тақдирда, Корхона ўз ҳисобидан зарарни қоплайди;
- 8.2. Банк қўйидагилар учун жавобгар эмас:
 - 8.2.1. Шартнома шартларига жавоб бермайдиган ёки уларга зид бўлган Транзакциялар учун тўловларни таъминлаш;
 - 8.2.2. Ушбу шартноманинг 5.1.2-бандда кўрсатилган сабабларга кўра тўловлар кечикканда;
 - 8.2.3. Бошқа Корхоналар (ЯУПМ) айби билан UZCARD тизими фаолиятида юзага келган тўхталишлар учун.
 - 8.2.4. Натижаларини солиштириш операцияси (сверка итогов) ўз вақтида амалга оширилмагани сабабли, онлайн тўлов операцияларини бекор қилишни шакллантирилгани учун.
 - 8.2.5. товар (иш, хизмат ва бошқалар) сотувчиси томонидан ўтказилган тўлов операцияси тўғрисида ҳужжат ёки ахборот мавжуд бўлмаганда;
 - 8.2.6. товар (иш, хизмат ва бошқалар) сотувчиси томонидан ноқонуний ҳаракатлар амалга оширилганди.
- 8.3. Корхона қўйидагилар учун тўлиқ жавобгардир:
 - 8.3.1. Транзакцияларни қайта ишлашга ўз вақтида юбормаганлик ва стоп-листнинг янги версиясини олмаганлик оқибатида СТОПлистда турган Картага ҳизмат кўрсатгани учун;
 - 8.3.2. Корхона томонидан ушбу Шартноманинг қоидалари бузилганда, Банкка етказилган зарар учун;
- 8.4. Корхона Банкни, ўзининг ҳаракатлари/ҳаракатсизлиги ва/ёки мажбуриятларни бажариши ёки бажармаганлиги муносабати билан қандайдир шаклда пайдо бўладиган ҳар қандай даъволар, можаролар, зиёнлар, харажатлар, сарфлар, эътирозлар ва/ёки талаблардан учинчи шахслар олдида ҳимоя қилишга мажбурдир.

9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАР.

- 9.1. Ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда, Томонлар, уларнинг вакиллари, ходимлари ёки воситачилари ҳар қандай шахсларга, бундай шахсларнинг ҳаракатлари ёки қарорларига ҳар қандай қонунга хилоф бўлган имтиёзлар ёхуд бошқа ноқонуний мақсадида таъсир кўрсатиш учун ҳар қандай шахсларга тўғридан-тўғри ёки билвосита тўламайдилар, тўловни таклиф этмайдилар, ҳар қандай пул маблағлари ва қимматларни тўлашга рухсат бермайдилар.
- 9.2. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг вакиллари, ходимлари ёки воситачилари ушбу Шартноманинг мақсадлари учун қўлланиладиган қонунчиликда малакаланган пора бериш/олиш, тижорат пора олиш, шунингдек жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштиришга доир қўлланиладиган қонунчилик ва халқаро ҳужжатлар талабларини бузадиган ҳаракатларни амалга



оширмайдилар. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2017 йил, 23 майда 2886-сони билан рўхатга олинган).

- 9.3.** Ушбу Шартноманинг Томонларидан ҳар бири бошқа Томоннинг ходимларини ҳар қандай тарзда рағбатлантиришидан, шу жумладан пул маблағлари, совғалар, ходимнинг муайян қарамликка қўядиган ҳамда ушбу ходим томонидан уни рағбатлантираётган Томоннинг фойдасига бирор бир иш(хизмат)ни текин бажарилишидан бош тортадилар.
- 9.4.** Агар Томон ҳар қандай коррупцияга қарши шартларнинг бузилиши содир бўлган ёки юзага келиши мумкин деб гумон қилса, тегишли Томон бошқа томонни ёзма ёки оғзаки равишда ишонч телефони орқали хабардор қилишни ўз зиммасига олади.
- 9.5.** Томонлар ўзларининг мумкин бўлган ноқонуний хатти-ҳаракатлари ва ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши шартларини бузганликлари Шартноманинг бекор қилинишига олиб келиши мумкинлигини тан олишади.
- 9.6.** Томонлар ушбу битимнинг коррупцияга қарши шартларини амалга оширишда тўлиқ махфийликни кафолатлайдилар.

10. МАХФИЙЛИК

- 10.1.** Корхона, Банк билан тенг равишда Шартнома бўйича маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш учун жавобгардир;
- 10.2.** Банк ва Корхона томонидан бир-бирига тақдим этилган Шартнома мавзусига оид маълумотлар махфий ҳисобланади.
- 10.3.** Томонлар учинчи шахслар томонидан олинган маълумотларнинг ошкор қилинишини олдини олиш учун барча зарур ва етарли чораларни кўрадилар.

11. ФОРС-МАЖОР

- 11.1.** Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларнинг қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бу бажармаганлик ёки қисман бажарилмаганлик, Шартнома тузилгандан кейин юзага келган ҳамда томонлар мавжуд чоралар билан уни бартараф эта олмайдиган кечиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) натижасида юзага келган бўлса жавобгарликдан озод қилинади.
- 11.2.** Агар кечиб бўлмайдиган кучлар ҳолати ваколатли органлар томонидан Қонунда белгиланган тартибда тасдиқланган бўлса, улар форс-мажор ҳолатлари деб ҳисобланади;

12. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

- 12.1.** Шартнома тарафлари томонидан ижро этилиш жараёнида юзага келадиган барча низолар томонлар ўзаро мақбул ечимни ишлаб чиқиш мақсадида олдиндан кўриб чиқадиладар;
- 12.2.** Шартнома билан боғлиқ низо ва келишмовчиликлар музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал этилмаса, низо Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ савдо-терминалига мазкур шартнома бўйича хизмат кўрсатган Банк филиали (алоҳида бўлинмаси) жойлашган ҳудуддаги тегишли судда кўриб чиқиладди.

13. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

- 13.1.** Томонлар Шартнома шартларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишлари мумкин;
- 13.2.** Шартномага киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар иккала томон



- томонидан имзолангандан кейингина кучга киради;
- 13.3.** Барча иловалар, қўшимчалар ва йўриқномалар Шартноманинг ажралмас қисмлари ҳисобланади ва бажариш учун мажбурийдир;
- 13.4.** Карталарга хизмат кўрсатишга оид Томонлар илгари имзолаган барча шартномалар, ушбу Шартнома тузилган пайтдан эътиборан ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

14. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

- 14.1.** Шартнома имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради ва 3 календар йил муддатига тузилади. Агар шартноманинг амал қилиш муддати тугаган бўлса, томонларнинг бирортаси ушбу шартномани бекор қилиш ниятини билдирмаган бўлса, унда шартнома келгуси бир календар йилга узайтирилган ҳисобланади.
- 14.2.** Шартнома қуйидаги ҳолатларда бекор қилиниши мумкин:
- томонларнинг ўзаро ёзма розилиги билан;
 - томонлардан бири ушбу шартнома бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармаган тақдирда;
 - томонлардан бирининг ташаббуси билан, тугатилишидан камида 5 кун олдин ёзма равишда огоҳлантириш мавжуд бўлганда;

15. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

- 15.1.** Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган иккита бир хил асл нусхада, ҳар бир томон учун биттадан тузилган ва имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради;
- 15.2.** Шартномага мувофиқ ёки унга алоқадор равишда юборилган барча билдиришномалар ва хабарлар ёзма шаклда бўлиши керак ва агар улар рўйхатдан ўтган почта орқали юборилса ёки Шартнома тарафларининг қуйидаги юридик манзилларига шахсан ўзлари томонидан тасдиқланган ҳолда этказиб берилса, тегишли равишда топширилган ҳисобланади;
- 15.3.** Ушбу Шартнома билан тартибга солинмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ҳал этилади;
- 15.4.** Шартноманинг барча қўшимчалари унинг ажралмас қисмидир.
- 1 - Илова – Тўлов терминали ускунасини рўйхатга олиш учун ариза
 - 2 - Илова – Корхона анкетаси
 - 3 - Илова – Корхона анкетаси
 - 4 - Илова – Ускунани қабул қилиш – топшириш далолатномаси
 - 5 - Илова – Ускунани қайтариш далолатномаси
 - 6 - Илова – Тўловни қайтариш чеки (ваучер)
 - 7 - Илова – Савдо терминалини ишлатиш ва «UZCARD» сўмли банк картасига хизмат кўрсатиш бўйича Корхона ва ходимларига йўриқнома
 - 8 - Илова – КОРХОНА ва ходимлар учун йўриқнома савдо терминалидан фойдаланиш ва "НУМО" сўм банк карталарига хизмат кўрсатиш бўйича

16. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

БАНК	КОРХОНА
-------------	----------------

“Ориент Финанс” ХАТБ

Амалиёт

бошқармаси/ БХМ/ БХО

СТИР:

Манзил:

СТИР:

Манзил:

Банк реквизитлари:

х/р:

МФО:

ИФУТ:

Бошлиқ /Бошқарувчи

Ф.И.Ш.

М.Ў. Имзо

Банк реквизитлари:

х/р:

МФО:

ИФУТ:

Директор

Ф.И.Ш.

М.Ў. Имзо



Савдо-терминалдан фойдаланиш тўғрисидаги
шартномага
1-сонли илова.



ORIENTFINANSBANK

“Ориент Финанс” ХАТБ**Амалиёт бошқармаси / БХМ / БХО га**

_____ дан
_____ (Корхона номи)

**Тўлов терминали ускунасини рўйхатга олиш учун
АРИЗА**

Сиздан _____ тўлов терминалини
(терминал русуми и серия рақами)

_____ номига, пластик карталар орқали нақд пулсиз
(Корхона номи)

ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун рўйхатдан ўтказиб беришингизни
сўрайман.

Корхона манзили: _____

(ўрнатилган жойи, тадбиркорлик субъектлари шунингдек фаолият кўрсатилаётган жойини ҳам кўрсатадилар)

« ____ » _____ 20__ й.

_____ (Раҳбар имзоси)

М.Ў. _____ (Бош бухгалтер имзоси)

БАНКНИНГ БЕЛГИЛАРИ

Тўлов терминалини рўйхатга олиш учун ҳужжатларни текширдим:

Бўлим бошлиғи

_____ (имзо)

Раҳбар

_____ (имзо)

Терминал рўйхатга олинган сана: “ ____ ” _____ 20__ й.

Бошқа қайдлар: _____

Тўлов терминали Корхонага тегишли эканлиги тўғрисидаги ҳужжат





Савдо-терминалдан фойдаланиш тўғрисидаги
шартномага
2-сонли илова.

КОРХОНА АНКЕТАСИ

Корхона номи: _____

Банк реквизитлари:

Асосий ҳисобварақа:

Банк номи: _____

МФО: _____, Банк коди: _____

ҳ/р: 2 _____

Йиғилган терминал даромадларини ўтказиш учун ҳисобварақа:

Банк номи: _____

МФО: _____, Банк коди: _____

ҳ/р: 2 _____

**Йиғилган терминал даромадларини ўтказиш учун иккиламчи
ҳисобварақа:**

Банк номи: _____

МФО: _____, Банк коди: _____

ҳ/р: 2 _____

Йиғилган терминал даромадларини ўтказиш учун транзит ҳисобварақа:

Банк номи: «Ориент Финанс» ХАТБ, _____

МФО: 01071, Банк коди: _____

ҳ/р: 235 _____

Корхона алоқа маълумотлари:

Телефон: +998 (____) ____ - ____ - ____

Боғланиш учун шахс: _____

Факс: +998 (____) ____ - ____ - ____

Электрон почта: _____

веб-сайт: _____

Терминал ўрнатиш жойи ҳақида маълумотлар:

Манзил: _____

Ориентир: _____

Телефон: +998 (____) ____ - ____ - ____

Маъсул шахс: _____

Корхона
Раҳбари

М.Ў. (Имзо)

Юқорида қайд этиб ўтилган
маълумотлар ҳақиқийлигини
тасдиқлайман

Савдо-терминалдан фойдаланиш тўғрисидаги
шартномага
3-сонли илова.

Корхона АНКЕТАСИ

Корхона номи:

Юридик манзили:

Ориентир:

Раҳбар Ф.И.Ш.:

Раҳбарининг алоқа рақами:

Бухгалтер Ф.И.Ш.:

Бухгалтер алоқа рақами:

Банк карталари орқали олинган
тушум ўтказиладиган банк ҳисоб
рақамининг реквизитлари:

Фаолияти соҳаси:

Агар Корхона бир нечта савдо шохобчаларига ёки товарлар/хизматлар етказиб
берувчиларга эга бўлса ва хизмат кўрсатиш жойлари шаҳар/туманнинг турли
қисмларида жойлашган бўлса, илтимос, савдо Корхоналари (ёки савдо
нуқталари) ҳақидаги алоқа маълумотларини кўрсатинг:

Корхона номи (савдо шохобчалари)	Алоқа рақами
	Манзил: Ориентир: Алоқа рақами: Алоқа учун шахс Ф.И.Ш.:
	Манзил: Ориентир: Алоқа рақами: Алоқа учун шахс Ф.И.Ш.:
	Манзил: Ориентир: Алоқа рақами: Алоқа учун шахс Ф.И.Ш.:

Юқорида кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилигини тасдиқлайман ва
юқорида санаб ўтилган ходимларни банк картаси эгаларига хизмат кўрсатиш
учун масъул шахслар сифатида тайинлайман

Корхона Раҳбари



М.Ў. (Имзо)

Корхона ходимларига тушинтириш ишлари олиб борилди

«Ориент Финанс» ХАТБдан

Ф.И.Ш. (Имзо)



Савдо-терминалдан фойдаланиш тўғрисидаги
шартномага
4-сонли илова.

**УСКУНАНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ – ТОПШИРИШ
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

_____ ш.

“___” _____ 20__ йил

“Ориент Финанс” ХАТБ номидан, _____ Амалиёт бошқармаси/ БХМ/ БХО

_____ , _____ ,

ва _____ номидан, _____ , _____ , ушбу “Ускунани қабул қилиш – топшириш” далолатномасини, қуйида келтириб ўтилган ускуналар Банк Вакили томонидан **ТАҚДИМ ҚИЛИНГАНЛИГИ**, Корхона Вакили эса **ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛГАНЛИГИ** ҳақида туздилар:

№	Ускуна номи	сони	Нархи ҳар бири учун (сўмда)	Инвентарь серия рақами
1.	Терминал/ Pin Pad _____	_____	_____	_____
2.	Терминал/ Pin Pad _____	_____	_____	_____

Мулк тақдим қилиш ва қабул қилиб олиш жараёнида яхши ҳолатда.

Аниқланган камчиликлар табиати ва сабаблари ҳақида Вакилларнинг хулосаси: **камчиликлар аниқланмади.**

Тарафлар ҳақиқатга мос келмайдиган маълумотларни ўз ичига олган далолатномани имзолаганликлари учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилганлар.

Далолатнома иккита бир хил нусхада тузилди.

Банка номидан:

Ф.И.Ш.

Корхона номидан:

Ф.И.Ш.

М.Ў. Имзо

М.Ў. Имзо



Савдо-терминалдан фойдаланиш тўғрисидаги
шартномага
5-сонли илова.

**УСКУНАНИ ҚАЙТАРИШ
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

_____ ш.

“___” _____ 20__ йил

“Ориент Финанс” ХАТБ номидан, _____ Амалиёт бошқармаси/ БХМ/ БХО
_____, _____,
ва _____ номидан, _____, _____, ушбу “Ускунани
қабул қилиш – топшириш” далолатномасини, қуйида келтириб ўтилган ускуналар Корхона
Вакили томонидан **ТАҚДИМ ҚИЛИНГАНЛИГИ**, Банк Вакили эса **ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛГАНЛИГИ**
ҳақида туздилар:

№	Ускуна номи	сон	Нархи ҳар бири учун (сўмда)	Инвентарь серия рақами
3.	Терминал _____	_____	_____	_____
4.	Pin Pad _____	_____	_____	_____

Мулк тақдим қилиш ва қабул қилиб олиш жараёнида яхши ҳолатда.

Аниқланган камчиликлар табиати ва сабаблари ҳақида Вакилларнинг хулосаси: **камчиликлар
аниқланмади.**

Тарафлар ҳақиқатга мос келмайдиган маълумотларни ўз ичига олган далолатномани
имзолаганликлари учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилганлар.

Далолатнома иккита бир хил нусхада тузилди.

Банка номидан:

Ф.И.Ш.

Корхона номидан:

Ф.И.Ш.

М.Ў. Имзо

М.Ў. Имзо



Савдо-терминалдан фойдаланиш тўғрисидаги
шартномага
6-сонли илова.

(Намуна)

_____ ш.

« ____ » _____ 20__ й.

ТЎЛОВНИ ҚАЙТАРИШ ЧЕКИ (ВАУЧЕР)

(Корхона ва унинг савдо нуқтасининг номи, ҳокимлик ва солиқ инспекциясидаги рўйхатдан ўтиш рақами)

1.	Карта орқали тўланган товар/ хизматнинг номи	
2.	Карта эгаси Ф.И.Ш.	
3.	Транзакция суммаси (рақамлар билан)	
4.	Транзакция суммаси (ҳарфлар билан)	
5.	Товар/хизматни қайтариш сабаби	
6.	Карта эгасининг банкининг номери ва коди	
7.	Корхона ва унинг савдо нуқтасининг реквизитлари: Манзил: почта индекси, вилоят, туман/шаҳар, кўча, уй, хона Банк ҳисоб рақами, коди, банкнинг номи ва манзили ва ҳ.к.	

Товар/хизматни

қайтарди:

Карта эгасининг маълумотлари:

_____ Ф.И.Ш.

_____ Имзо

Шахсни тасдиқловчи

ҳужжатнинг маълумотлари: _____

« ____ » _____ 20__ й.

Товар/хизматни қабул қилди: _____
Корхона Раҳбари:

_____ Ф.И.Ш.

_____ М.Ў.

_____ Имзо

Савдо-терминалдан фойдаланиш тўғрисидаги
шартномага
7-сонли илова.

САВДО ТЕРМИНАЛИНИ ИШЛАТИШ ВА «Uzcard» СЎМЛИ БАНК КАРТАСИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА КОРХОНА ВА ХОДИМЛАРИГА ЙЎРИҚНОМА

Ушбу Йўриқнома КОРХОНА ходимлари учун амал қилиш ва бажариши учун мажбурийдир.

Мижоз Картаси ва Корхона ҳақида умумий маълумотлар

Картанинг олд томонида қуйидагилар мавжуд:

- Юқори қисмида Банк номи ва логотипи.
- Чап томонда, Картанинг ишлашини таъминлайдиган микропроцессор - "чип".

• "Чип" остида қуйидаги маълумотлар мавжуд: картанинг махсус (уникал) рақами (Smart Vista тизимидаги банк карталари учун 16 та рақамдан иборат), картанинг амал қилиш муддати, эгасининг давлат тилидаги фамилияси, исми, отасининг исми, КОРХОНАНИНГ номи (корпоратив карта учун).

Картанинг орқа томонида қуйидагилар мавжуд:

• Юқори қисмида Карта банкнинг мулки эканлиги ва топилганида картани банкка кўрсатилган манзилга тақдим этиш зарурлиги тўғрисида матнли хабар келтирилган.

• Карталар билан боғлиқ масалалар бўйича Банк Бош офисининг алоқа телефонлари ва манзили.

Картага ва ҳисоб рақамига, ундаги маблағларга рухсатсиз киришдан (ишлатишдан) ҳимоя қилиш учун мўлжалланган шахсий идентификатор паролларини (ПИН-кодларини) ўрнатиш имкониятига мавжуд.

ПИН	Шахсий идентификация рақами (тўртта рақам) - шахсан ва махфий равишда эгасининг ўзи ёки унинг ваколатли вакили томонидан (тайинланган)/қайта ўрнатилган (тайинланган) ва улар томонидан Карта орқали амалга оширилган қуйидаги молиявий ва ахборот операцияларининг қонунийлигини тасдиқлаш учун мўлжалланган: - товарлар ва хизматлар учун тўлов. - Коммунал хизматларни тўлаш. - нақд пулни банкомат, касса терминали, кассир-назоратчининг автоматлаштирилган иш жойи ва бошқалар орқали қабул қилиш. - Карта қолдиғи ҳақида маълумот олиш. - Картадан охирги 20/30 марта амалга оширилган операциялар тўғрисида маълумот олиш.
------------	---

Smart Vista (онлайн операциялар)

Smart Vista тизимининг банк карталари учун юклаб олиш операциясини амалга оширишнинг ҳожати йўқ, чунки маблағларнинг тўғридан-тўғри ҳисобдан чиқарилиши тўғридан-тўғри Ягона Умумреспублика Процессинг Маркази (бундан буён матнда ЯУПМ деб аталади) маълумотлар базасига уланади, бу эса мижознинг банк картасидаги барча маблағлари ҳаракати бевосита акс этади.

ЯУПМ ва Автоматлаштирилган Банк тизими (кейинги ўринларда АБТ) маълумотлар базасида савдо орқали ўтадиган пул оқимларини синхронлаштириш учун ҳар куни НАТИЖАЛАРНИ СОЛИШТИРИШ (СВЕРКА ИТОГОВ) операциясини амалга ошириш керак. НАТИЖАЛАРНИ СОЛИШТИРИШ маълумотлари асосида банк КОРХОНА билан ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширади.

САВДО ТЕРМИНАЛИГА ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА КАРТА ЭГАЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ

Ускуналар (Савдо терминали) - бу Корхона билан Мижоз ўртасида карталар орқали транзакцияларни амалга оширишга имкон берувчи ихчам қурилма.

Савдо терминалига таркибига қуйидагилар киради: босиб чиқариш мосламаси, савдо ва мижозлар ридер, қувват манбаи, ўрнатилган модем, дисплей ва рақамли ва функционал тугмачалари бўлган клавиатура.

Дисплей ёнидаги функционал тугмалар терминал дисплейидаги меню элементларини танлаш учун ишлатилади.

Яшил, қизил, сариқ рангларга бўялган ва рақамли тугмалар ёнида жойлашган функционал тугмалар операцияларни ва киритилган қийматлар(суммалар)ни териш/ёқиш/ўчириш/тўғрилаш учун ишлатилади (операция суммалари, ПИН кодлар).

Савдо терминали менюси - бу тегишли функция тугмачаларини босиш орқали фаоллаштирилиши ёки киритилиши мумкин бўлган Савдо терминали дисплейида кўрсатилган нарсалар. Ҳар бир меню пункти Савдо терминалида бажариладиган операциялар ёки функциялар турларидан бирига мос келадиган сўз ёки иборадир. Савдо терминали дисплейида ушбу меню элементлари битта ёки иккита қаторда жойлашган.

Асосий меню бу биринчи бўлиб Савдо Терминали ёқилгандан сўнг экранда пайдо бўладиган биринчи даражали меню: EMV - Smart Vista банк карталари билан ишлаш менюси.

Тегисли функционал тугмалар меню ичидаги элементлар бўйлаб ҳаракатланиш учун ишлатилади. Жорий менюдан олдинги менюга чиқиш учун қизил функция тугмачасидан фойдаланинг.

SMART VISTA ТИЗИМИДА БАНК КАРТАЛАРИ БЎЙИЧА ТЎЛОВ ТЕРМИНАЛИНИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ НАТИЖАЛАРИНИ СОЛИШТИРИШДА, КОРХОНА ХОДИМЛАРИНИНГ ҲАРАКАТЛАРИ ТАРТИБИ.

Онлайн савдо операциялари бекор қилинишини олдини олиш учун ҳар куни Тўлов Терминалида натижаларни солиштириш операциясини амалга ошириш керак.

Савдо терминалини ишлайдиган шаҳар телефон линияси уланган телефон розеткасига ёки Интернетга (шу жумладан СИМ-картага) уланг.

Агар КОРХОНА ХОДИМЛАРИ транзакциялар сони ва пакетнинг умумий миқдори тўғрисида ишонч ҳосил қилмаса, Савдо Терминалида "EMV" меню пункти - "НАТИЖАЛАРИНИ СОЛИШТИРИШ"(сверка итогов)ни танланг ва Тўлов Терминали хотирасида сақланган молиявий бухгалтерия ҳужжатлари билан бирга керакли маълумотларни олинг.

Сўнгра Савдо терминали экранида "EMV" - "НАТИЖАЛАРИНИ СОЛИШТИРИШ" менюсини танланг. Сўнгра Тўлов Терминали модемини ЯУПМ модемига уланишга териш бошланади (ёки Интернетга уланиш турига қараб ЯУПМ серверига уланиш).

Савдо терминали натижаларини солиштириш муваффақиятли амалга



оширилгандан сўнг, Тўлов терминали дисплейида тегишли хабар пайдо бўлади ва инкассация квитансияси чоп этилади, унда қуйидагилар кўрсатилади: натижаларни солиштириш пакетининг йиғиндиси, натижаларни солиштириш санаси/вақти, Тўлов терминали ва савдо нуқтаси рақами, инкассация пакетидаги транзакциялар сони ва натижаларни солиштириш (сверка итогов)даги бошқа маълумотлар. Савдо картасидаги натижаларини солиштириш бўйича барча чеклар КОРХОНА томонидан молиявий ҳисоб ҳужжатлари билан бирга сақланиши керак.

Агар Ходимларга Тўлов Терминали операцияларининг тасдиқланган рўйхатини олиш керак бўлса, лекин бирон сабабга кўра Тўлов Терминали операциялар рўйхатини чиқармаган ёки уни ноқонуний равишда босиб чиқарган бўлса, у ҳолда ходимлар яна операциялар рўйхатини чоп этишга ҳаракат қилишлари керак. Агар сиз операциялар рўйхатини қайта чоп этишга уриниб кўрсангизу, у яна муваффақиятсиз бўлса, унда ишлашни давом эттириш учун ҳеч қандай ҳолатда Тўлов Терминали хотирасидаги операциялар рўйхатини ўчириб ташламанг, яхшиси Тўлов Терминалини БАНКга олиб келинг.

"ТЎЛОВ" ОПЕРАЦИЯСИ

Мижоз маҳсулот/хизмат учун тўловни амалга ошириш учун Картани чакана савдо дўконининг ходимларига тақдим этади.

Савдо терминали автоматик равишда банк картасига (Smart Vista) тегишли эканлигини тан олади.

Ходимлар Тўлов Терминали клавиатурасида товар/хизматлар нархини ёзадилар ва кўчма масофадаги клавиатурани Карта эгасига берадилар, бунда, мижоз Тўлов терминалидаги ёзилган (эгасига қулайлик учун) тўлов миқдорини кўриб чиқиш ва кейинчалик уни тасдиқлаш/рад этиш учун танишиб чиқади.

Агар карта эгаси қизил тугмаси босиб тўловни рад этса, тўлов операцияси бекор қилинади, картадаги маблаг дебетланмайди (чиқим қилинмайди) ва шунга мувофиқ КОРХОНА савдо картасига ўтказилмайди, ходимлар томонидан карта эгасига қайтариб берилади ва товар/хизмат мижозга берилмайди – бунда Транзакция амалга оширилмаган деб ҳисобланади.

Smart Vista тизимининг банк карталари орқали (онлайн операциялар)

Smart Vista тизимидаги банк карталари билан ҳар қандай операцияларни амалга ошириш учун Тўлов терминалини шаҳар телефон линиясига ёки Интернетга (СИМ-карта), шу жумладан "Тўлов" операциясини улаш, танлаш лозим.

Транзакция суммасининг эгаси тасдиқлаганидан (яшил тугмани босган ҳолда) ва ПИН-кодни терминалга киритгандан сўнг, Тўлов терминалини шаҳар телефон линияси ёки Интернет орқали ЯУПМ маълумотлар базасига улаб, муваффақиятли яқунланганидан сўнг, Савдо Терминали "ТАСДИҚЛАНДИ" (одобрено) деб ёзилган чек чиқаради, агар операция квитансияси "РАД ЭТИЛДИ" (отказано) белгиси билан босилган бўлса, унда транзакция муваффақиятсиз деб ҳисобланади ва Тўлов операцияси амалга ошмаган бўлади, бу ҳолда сиз квитансия(чек)даги ёки терминалда кўрсатиладиган хато кодага эътибор беришингиз керак.

Агар бирон-бир сабабга кўра карта эгаси Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган муддатларда, савдо битими (тўлови) аллақачон тўлов терминалида муваффақиятли яқунланган бўлса ҳамда товарларни қайтариб беришга қарор қилса, у ҳолда ходимлар тўловни қайтариб беришлари керак. Бунда, Банк томонидан белгиланган шаклга мувофиқ,



ходимлар тўловни қайтариш учун чекни ва унинг барча қаторларини мажбурий тўлдирилишини билан текширинг. Тўловни қайтариб бериш чекида товарларнинг номи, Транзакция суммаси, қайтариб бериш сабаби, Карта эгасининг ва КОРХОНАнинг реквизитлари ва Транзакция амалга оширилган савдо шахобчаси кўрсатилган бўлиши керак. Қайтариш чеки уч нусхада тўлдирилади, биттаси: карта эгаси, КОРХОНА ва БАНК учун ва карта эгаси ва КОРХОНА вакили томонидан имзоланади. КОРХОНА томонидан Тўловни қайтариш чеки муҳр/штамп билан тасдиқланади. Тўловни қайтариб беришни текшириш асосида БАНК, агар тегишли операция БАНКнинг нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимида муваффақиятли тўланган бўлса ва унга "Кечиктирилган операция", "Текшириш учун транзакция", "Мос келмайдиган транзакция" ёки бошқа мақом берилмаган бўлса, Транзакцияни қайта ишлашга имкон бермайдиган ҳолатлар ва агар Транзакция амалга оширилаётганда Карта СТОП-листда кўрсатилмаган бўлса, шунингдек Тизимдаги Критик Вазият даврида Транзакция тугалланмаган бўлса, маблағни КОРХОНА ҳисобварағидан карта эгасининг ҳисобварағига қайтаради, бунда сумма БАНК тизимида қабул қилинган Транзакция суммаси миқдорида, лекин қайтариб бериш чекида кўрсатилган миқдордан ошмаслиги керак.

Бундан ташқари, Тўлов терминалида қуйидаги хизмат операциялари бажарилиши мумкин:

- Карта қолдиғи тўғрисидаги маълумотларни чоп этиш ёки терминал дисплейида ушбу маълумотларни кўрсатиш.
- Картада амалга оширилган охириги 20/30 операциялар рўйхати, ушбу операцияларнинг санаси ва миқдори кўрсатилган ҳолда чоп этиш.
- Картанинг ПИН-кодларини ўзгартириш.

Тўлов терминалида операцияларни бажаришда сиз унинг дисплейида пайдо бўлган хабарларни диққат билан ўқишингиз ва уларнинг кўрсатмаларига қатъий риоя қилишингиз керак. Тўлов терминалининг дисплейида кўрсатиладиган меню ва хабарлар фойдаланувчилар учун тушунарли бўлиши керак. Ўз хатти-ҳаракатларининг тўғрилигида муаммолар юзага келган тақдирда, БАНК КОРХОНА шохобчаси ходимларига БАНК ходимлари билан боғланишни ва юзага келган масала бўйича улардан маслаҳат сўрашни қатъий тавсия қилади.

Тўлов терминалининг иш шароитлари, шунга ўхшаш ускуналарнинг ишлаш шароитларига мос келиши ҳамда касса машиналарининг ишлаш шароитларидан ёмон бўлмаслиги керак.

Тўлиқ ишлайдиган стационар терминаллар 220 вольт 50 герцли асосий электр тармоғидан қувват олади.

Тўлов терминалини намлиги ва чанглиги юқори бўлган хонада ишлатиш қатъиян ман этилади, акс ҳолда Тўлов терминали бузилиши мумкин.

Тўлов терминали билан ишлаш қодалари, худди шундай электрон қурилмалар синфига тегишли бўлганлардан ташқари, КОРХОНА ходимларининг қатъиян бажариши керак бўлган бошқа талабларни ўз ичига олади, яъни:

- Тўлов терминалига сезиларли механик кучларни қўлламанг.
- Тўлов терминалини ишламай қолишига олиб келиши мумкин бўлган кимёвий, ҳароратли ва бошқа турдаги таъсирлардан асранг, шу жумладан ўрнатилган дастурларга тегманг.
- Тўлов терминалини ва банкдан олинган бошқа ускуналарни демонтаж қилмаслик, таъмирламаслик ёки учинчи шахсларга бермаслик керак.
- бирон-бир мақсад билан Тўлов терминалининг дастурий таъминотини бузишга уринманг.
- Тўлов терминалини маиший ёритгичлардан ташқари тўғридан-тўғри қуёш нурлари ва бошқа нурланишдан ҳимоя қилинг.



- Карта билан транзакция/операция амалга оширилаётган вақтида Картани Тўлов терминалининг тегишли ридердан олиб ташламанг (ва Эгасини ҳам бундай қилмаслигига ишонч ҳосил қилинг). Амалдаги транзакция/операция тугагини кутиш керак ва шундан сўнг Картани ридердан олиш керак.

- Тўлов терминалини носоз электр розеткалари ва телефон линияларига уламанг.

- операциядан олдин, КОРХОНА ходимлари терминал принтерига қоғоз етарли миқдорда эканлигига ва Тўлов терминали чоп этишга тайёрлигига ишонч ҳосил қилишлари керак.

- операция пайтида Тўлов Терминалини электр тармоғидан ва телефон линиясидан/Интернет/СИМ-карта тармоғидан узманг (агар Банк/ЯУПМ билан боғланишни талаб қиладиган операциялар бажарилса).

- Тўлов терминали томонидан операция ёки операциялар рўйхати текшируви чоп этилганда, Тўлов терминалининг клавиатурасидаги тегишли тугмаларни босманг ва босилган чекни ёки рўйхатни мажбуран тортиб олманг.

- илгари БАНК вакиллари томонидан Тўлов терминали билан ишлаш учун ўқитилган КОРХОНА Ходимлари ўзгарган тақдирда, КОРХОНА янги Ходимларни собиқ Ходимлари ёки БАНК вакили томонидан тегишли тартибда ўргатишларини таъминлаши шарт.

- Тўлов терминалига бегона нарсаларни тегишига йўл қўйманг, бу Тўлов Терминали, унинг алоҳида қисмлари ва /ёки мижоз картасини ишдан чиқишига олиб келиши мумкин.

Тўлов терминали ва БАНҚдан олинган бошқа ускуналар билан ишлаш учун фақат БАНК вакили томонидан ўқитилган/ўргатилган ва КОРХОНАНИНГ ушбу йўриқномаси билан имзо чекиб танишган КОРХОНА ходимларига рухсат берилади. Тўлов терминали билан ишлашга тайинланган КОРХОНА ходимлари ушбу Шартномага мувофиқ иловадаги шаклда КОРХОНА ва БАНК томонидан ёзма равишда тасдиқланади.

«Uzcard» ТИЗИМИДА ХАВФСИЗЛИК ИШЛАРИ

«Uzcard» тизимининг хавфсизлик даражаси бузилишининг олдини олиш учун КОРХОНА Ходимлар томонидан қуйидаги қоидаларнинг бажарилишини таъминлаши ва назорат қилиши шарт:

- КОРХОНА Тўлов терминалида солиштириш натижалари(сверка итогов)ни ҳар куни амалга оширади ва чеки сақланади.

- БАНҚдан қабул қилинган Тўлов терминали ва бошқа жиҳозлар(ускуналар)ни йўқотиш, ишлаш қобилиятини йўқотиш ва уларни бошқа шахсларга тақдим этмасликни таъминлайди.

- Қоидаларга қатъий риоя қилинг; Тўлов Терминали билан ишлаш; карта эгасига хизмат кўрсатиш; фойдаланиш ва хавфсизлик.

- Агар керак бўлса, карта билан операцияларни амалга оширишда қийинчиликларга дуч келаётган карта эгаларига ёрдам беринг.

- Корхонанинг кўринарли жойларида ва мижозларга хизмат кўрсатиш зонасида жойлаштирилган "Узсард" ва БАНК ахборот-реклама материалларини ўз вақтида янгилашни таъминлаш.

- БАНҚдан олинган Тўлов терминалининг ва бошқа жиҳозларнинг бузилиши ва/ёки йўқолиши тўғрисидаги барча фактлар тўғрисида БАНҚни ўз вақтида хабардор қилиш.

- Карта эгасидан унинг ПИН-кодини сўраманг.

- Агар «Ориент Финанс» ХАТБ Карта эгасида КОРХОНА Тўлов терминалида операцияларни бажаришда муаммолар юзага келса, КОРХОНА Ходимлари ушбу мижозга уларни ҳал қилишда ёрдам беришга мажбурдирлар ва агар



уларнинг ўзлари масалани ҳал қилишни иложи бўлмаса, керакли маслаҳат олиш учун ходимлар зудлик билан БАНК ходимларига мурожаат қилишлари керак.

- Корхонанинг Тўлов терминалидан амалга оширилган транзакциялар бўйича чекларни мижоз томонидан сақланиши зарурлиги тўғрисида уни хабардор қилинг.

- Корхонанинг Тўлов терминали чекларини назорат қилинг: Карта билан операциялар, Тўлов терминали натижаларини таққослаш (сверка итогов), Тўлов терминали операциялари рўйхати.

- Чекни сақланг: Карталар билан операциялар, Тўлов Терминалининг натижаларини таққослаш, КОРХОНАнинг молиявий бухгалтерия ҳужжатлари билан бир қаторда Тўлов Терминалининг операциялари рўйхатлари.

- Савдо терминали стоп-лист рўйхатига киритилган деб билган карталарни олиб қолинг.

- КОРХОНА ходимлари Карталар билан бундай фирибгарлик ҳаракатларининг барча фактлари тўғрисида БАНКни зудлик билан хабардор қилишлари керак.

- КОРХОНА ходимлари, Эгаси томонидан карта орқали тўланган товарлар/хизматлар қайтариб берилганда, нақд пул билан қайтариб бермайдилар, бунинг учун БАНК билан ушбу Шартноманинг шартларига мувофиқ тўловни қайтариб бериш чекини расмийлаштирилади.

- Карта билан тўлов амалга оширилганда товар/хизматлар нархини оширманг.

- Савдо терминали томонидан транзакциялар тушумлари, инкассация ва операциялар рўйхати чоп этилишини назорат қилинг, сифатсиз босилган тақдирда дарҳол савдо терминалини диагностика қилиш ва таъмирлаш учун БАНКга тақдим этинг.

SMART VISTA БАНК КАРТАЛАРИ БИЛАН ТЎЛОВЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШДАГИ КЎП УЧРАЙДИГАН ХАТОЛАР

116 - маблағ етарли эмас

117 – нотўғри PIN

206 - ПИН-код блокланган

005 - ПИН-код теришда лимитдан ортиқча амалга оширилган

111 - картанинг ПИН-кодини ўрнатиш керак

5014 - 1z3 калитларни алмаштириш (смены ключей) операциясини

амалга ошириш керак

«Ориент Финанс» ХАТБ ягона алоқа марказининг телефон рақами + 998 71 200 88 99

Савдо-терминалдан фойдаланиш тўғрисидаги
шартномага
8-сонли илова.

КОРХОНА ВА ХОДИМЛАР УЧУН ЙЎРИҚНОМА САВДО ТЕРМИНАЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА "НУМО" СЎМ БАНК КАРТАЛАРИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА

ЙЎРИҚНОМА

Терминал учун параметрлар ва калитларни yuklash Ingenico Move 2500 / Desk 3500




Яшил тугмани босиб терминални ёқинг, экранга "Картани киритинг" ёзуви чиққандан сўнг картани жойлаштиринг.

1. SIM карта орқали уланиш созламалари


Уланиш параметрларини киритиш ва APN-ни бошқариш учун Созламалар менюсига кириш керак. Бунинг учун **5-чи тугмани** ва юқорига йўналтирилган **18-рақамли стрелкали Telium manager** бандини босинг. Сўнг **оқ-қора** тугмани босиб, қуйидаги йўлни танланг: Control panel --- Terminal settings --- **Comm means** --- **Mobile Networks** --- **Parameters** --- **Slot1** --- **APN -ENTER APN: xlgprs.net**. Кейин барча майдонларни бўш қолдирамиз ва терминални { . ва **Сариқ** } тугмаларини босиб қайта ишга туширамиз

2. СОЗЛАМАЛАРНИ ЮКЛАШ

Терминалга **5-чи тугмаси** босилади ва Созлаш менюси очилади,



кейин пастга стрелка билан **6 – Сессия TMS**-танлаймиз




Enter-ни босиб

3- TELIUM NET – ни танлаймиз



IP манзилни киритамиз:

217.029.126.132




Портни киритамиз:


5100



SSL ишлатиш: **0-Йўқ** танланади



SN ишлатиш: **1- Йўқ** танланади




TMS ID: 12 хонали рақамни (уни ўз АБСингиздан олишингиз мумкин) киритиб, Enter тугмасини босинг



Шундан сўнг терминал хостдан параметрларни юклайди ва қайтадан ишга тушади.


3. КАЛИТЛАРНИ ЮКЛАШ

Терминалда **5-тугмани** босганингизда, Созламалар менюсига кириш учун пароль сўралади




Паролни киритамиз: **1015143**


0 - Пин-падни танлаймиз



Кейин **0 - Тўлов калитлари** танланади



Кейинги босқичда **0 - Калитлар сўрови** танланади



Калитлар сўралгандан сўнг

Экранда БАРЧА ТЕРМИНАЛЛАР "ҳа" ёки "йўқ" деб сўрайди

"ҳа" ни танлаб, терминал хост билан боғланади ва калитларни юклайди. Терминал тўлиқ ишга тайёр ҳисобланади.